

Англияда Ислом



15:00 / 12.03.2022 1908

Миллий статистика бошқармаси тадқиқотига таяниб, Буюк Британиядаги мусулмонларнинг сони тарихда биринчи марта 3 миллиондан ошди дея хабар беради Daily Mail нашри. Қайд этилишича, барча динлар орасида айнан Ислом дини энг юқори ўсиш суръатларини кўрсатмоқда. Насроний дини тарафдорлари сони аксинча камайган, индуизм эътиқодчиларининг сони бироз ошган, яҳудий ва буддистларнинг улуши деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Шу билан бирга Буюк Британия аҳолисини 1/3 қисми ўз эътиқодлари ҳақида ошкор қилишни исташмайди.

Daily Mail нашрининг ёзишича, 2011 йилги аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, Буюк Британияда 2,7 миллион мусулмонлар бўлган. 9 йил давомида диндошларимиз қарийб 400 мингтага ошди. Ўз навбатида насронийлар 33,2 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилги тадқиқот бўйича 32,7 миллион кишига камайган.

Тадқиқотда айтилишча, мусулмонларнинг сони йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бориш сабаблари аниқланмаган.

Бундан ташқари, янги маълумотларда мусулмонларнинг Буюк Британиядаги географик жойлашув тақсимооти ҳақида сўз юритилмаган, бироқ бундай маълумотларни 2011 йилги аҳоли рўйхатида топиш мумкин.

Яъни, муслмонлар энг кўп яшайдиган худудлар Лондонда (34,5 % ва 32% улушига эга иккита худуд), шунингдек Блекберн, Йоркшир, Бирмингем ва Лутонда жойлашган.

P.S: 2016-йилдан 2021-йилга қадар масжидлар сони 300 тага ошиб, 1800 тани ташкил қилган.

Суратда Фарбий Европанинг энг гўзал ва катта масжидларидан бири, Лондондаги Буюк Британиядаги муслмонларнинг сони (□□□ □□□□□ — маъноси ғалаба уйи») масжиди.

Инглизчадан Мафтунахон таржимаси

***Манбалар: dailymail.co.uk.
Muslim Mind***